



ЁШЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Абдуллаев Джасур Расулжанович

Банк молия академияси Магистранти

Мирзаобод тумани касб-хунар мактаби

Молия-иқтисод ишлари бўйича директор ўринбосари

Аннотация: *ушбу мақолада ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларни бизнес соҳасида қўллаб қувватлаш. Молия ва иқтисод тўғрисида тушунчаларга эга бўлишлари учун уларга тавсилар бериш тўғрисида ёзилган*

Калит сўзлар: *молия, иқтисод, ёшлар, бизнес, шароит, восида, эхтиёж, тадбиркор.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш, тадбиркорлик ғоя ва ташаббусларини рағбатлантириш, улар муносиб даромад олиши учун қўшимча шароитлар яратиш, бу борада олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқиш, ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлари ишлаб чиқилган бўлиб унда:

- 2023 йил 1 январга қадар иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммаси Давлат бюджетидан тўлиқ қайтариб берилади. Бунда, ижтимоий солиқ суммаси ёш ходимлар олти ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шarti билан еттинчи ойдан бошлаб қайтарилади;

- «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилишга зарур бўлган асбоб-ускуналар ва меҳнат қуроллари харида қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда «Ёшлар дафтари» жамғармалари ҳисобидан субсидия ажратилади;

- «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларига давлат мулкани ижарага олишда ижара тўловларидан 1-иловага мувофиқ имтиёзлар тақдим этилади;

Профессional таълим ташкилотларида таҳсил олаётган «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга улар ишлаб-чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида амалиёт ўтаган вақтида, бироқ олти ойдан кўп бўлмаган муддатда профессионал таълим ташкилотлари томонидан Давлат бюджети



маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида ҳар ойлик субсидия ажратилади дейилган.

Ёш тадбиркорлар бизнес фаолиятида юқори натижаларга эришилари, яхши даромад олишлари, импорт ва экспортни мустақил тадбиқ қила олишлари учун молия иқтисод каби тушунчалар тўлиқ эга бўлишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Иқтисодиёт — деганда қуйидагилар тушунилади:

1) кишилар томонидан меҳнатни қўллаган ҳолда инсон учун зарурий бўлган неъматлар, ҳаёт шароитлари ва воситаларини яратиш орқали тирикчиликни таъминлаш, эҳтиёжларни қондиришда фойдаланиладиган хўжалик, воситалар, объектлар, жараёнлар мажмуи. Ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимот, истеъмол соҳасидаги ижтимоий муносабатларни қамрайди;

2) муайян мамлакатнинг миллий халқ хўжалиги ёки унинг бир тармоғи (транспорт, қишлоқ хўжалиги ва б.);

3) хўжаликнинг у ёки бу тармоғини, минтақа хўжалигини, ишлаб чиқаришни ташкил этиш усуллари ва шакллари, шунингдек, ишлаб чиқаришни бошқаришни ўрганишдир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида “2020 йил – Илм- маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” деб эълон қилинди. Шундан кейин фуқароларда “рақамли иқтисодиёт” атамаси ҳақида кўплаб саволлар туғила бошлади.

Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади.

1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропonte “рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётга киритди. Ҳозирда бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар – деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта маъруза эълон қилди (“Рақамли дивидендлар”).

Рақамли иқтисодиётнинг оддий иқтисодиётдан фарқи нимада?

Масалан, харидорга пойафзал керак. Уни бозорга тушиб ўзи бевосита танласа ва нақд пулга сотиб олса, бу анъанавий иқтисод. Телеграмдаги бирон савдо боти орқали ўзига маъқул товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олиш – рақамли иқтисодиёт дейилади. Бу масалани энг содда маиший мисол орқали тушунтиришдир. Аслида, ҳаммамиз аллақачон рақамли иқтисодиёт ичидамиз, унинг қулайликларидан фойдаланамиз. Масалан, ойликларимиз пластик карталарга тушади, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон,



интернет ва бошқа маҳсулот ва хизматларга тўлов қиламиз, электрон тарзда солиқ декларацияси топширамиз, картадан картага пул узатамиз, уйга таом буюртма қиламиз ва ҳоказо.

Рақамли иқтисодиёт – бу нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир.

Белгилари:

- юқори даражада автоматлаштирилганлик;
- электрон ҳужжат алмашинуви;
- бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви;
- маълумотлар электрон базалари;
- CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги;
- корпоратив тармоқлар.

Қулайликлари:

1. Тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлқира ва бошқа ресурслар тежалади).
2. Товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.
3. Рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта.
4. Фидбек (истеъмолчи фикри)ни тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади.
5. Тезроқ, сифатлироқ, қулайроқ.

Миллий иқтисодиётнинг бўғинларига қараб турли даражада Молия амал қилади. Унинг асосий бўғини қуйи даражадаги ёки микромолиядир. Бунга корхона Молияси (буни корпоратив Молия деб юритилади), хонадон Молияси, жамоат ташкилотлари Молияси, суғурталаш Молияси кабилар киради. Давлат Молияси макродаражадаги Молияни ташкил этади ва миллий манфаатларга хизмат қилади. Ниқоят миллий иқтисодиётнинг энг юқори даражаси бу метимолия бўлиб, бу табиатан халқаро Молия муносабатлари ҳисобланади, мамлакатлараро юз беради, халқаро Молия ташкилотлари орқали амалга оширилади. Турли даражадаги Молия ўзининг кўлами билан ажралиб туради. Молия турли даражадаги молиялаштириш усуллари жиҳатидан ҳам фарқланади. Корхона, суғурта ва хонадон Молияси ўзини ўзи молиялаштириш қоидасига таянади. Давлат молияси бюджетдан молиялаштириш тамойилларини қўллайдди. Турли нодавлат ташкилотлари ва жамоат ташкилотлари қисман ўзини ўзи молиялаштиради. Миллий иқтисодиётнинг моҳияти ва функциялари молия тизими фаолиятида ўз ифодасини топади.

Молия — мақсадли пул фондларини ҳосил этиш, жамлаш, тақсимлаш ва ишлатиш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар. Молия иқтисодиётнинг пул секторида юзага келади ва даромадлар асосида юз беради.



Пул сектори пул ва пулга тенглаштирилган активларнинг ҳаракати бўлиб, бунинг натижасида пул фондлари вужудга келади. Мақсадли пул фондлари — бу Молия ресурслари ёки Молия объектидир. Молия субъекти шу фондларни яратиш, тақсимлаш ва ишлатишда иштирок этувчилар, яъни корхоналар (фирмалар), турли хўжаликлар, хонадонлар, нодавлат жамоат ташкилотлари ва давлат идораларидан иборат.

Молия пул муносабатлари сифатида иқтисодиётда муҳим вазифаларини бажаради:

1. Тақсимлаш вазифаси — жамият даромади бўлган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) пул, қиймат шаклида иқтисодиёт субъектлари ўртасида бўлинади, улардан ҳар бири ўз ҳиссасини олади, ўз даромадига эга бўлади.

2. Ривожлантириш вазифаси — Молия фондларидан пул бериш орқали иқтисодиёт субъектларининг фаоллиги юзага келтирилади. Рағбатлантириш Молия воситаларини қўллаш орқали, чу-нончи мукофотлаш, субсидия, субвенция ажратиш, жарима солиш, санация ва солиқларни қўллаш воситасида амалга оширилади. Бозор шароитида асосий рағбатлантириш воситаси солиқ ҳисобланади. Солиқдан имтиёзлар бериш солиқ тўловчиларни қўлига теккан даромадини оширади. Мақсадли имтиёзлар уларни яхши ишлашга ундайди.

3. Ижтимоий ҳимоя вазифаси — ночор аҳоли қатламлари давлатдан, корхона ва ҳар хил нодавлат ташкилотларидан ва пулдор фуқаролардан молиявий ёрдам олади. Мазкур вазифани давлат бюджетининг ижтимоий ҳимоя учун ажратилган маблағлари бажаради.

4. Ахборот бериш вазифаси — мамлакат ва айрим субъектларнинг молиявий аҳволи ҳақида ахборот. Молиявий аҳволни тавсифловчи ахборот (кўрсаткичлар) иқтисодиётга ташҳис қўйишга хизмат қилади.

5. Назорат вазифаси — молиялаштириш йўсинида ажратилган пулни нақадар мақсадли ишлатилишини пул берувчилар назорат қиладилар. Шу пулни ўринли ёки ўринсиз ишлатилишига қараб молиялаштириш кўпайтирилади, қисқартирилади ёки умуман тўхтатилади.

Хулоса қилиб айтганда юртимизда ёш тадбиркорларни қўллаб қувватлашга етарлича шарт шароитлар яратилганлиги яъни бизнес юритиш ва унда муваффақиятга эришиш йўллари бўйича сифатли видеомаҳсулотларнинг шартнома асосида тайёрланишини таъминлаш ҳамда уларни сотиб олинган эфир вақтида намойиш этиш, тадбиркорлик фаолияти давомида яхши натижаларга эришиш йўлидаги ютуқ ва хавф-хатарлар ҳақида оммабоп китобларни нашр этишни ташкил қилиш ҳам шулар жумласидандир.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ Тошкент ш., 2021 йил 20 апрель, ПФ-6208-сон



2. <https://aniq.uz/yangiliklar/raqamli-iqtisodiyot-nima>
3. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/iqtisodiyot-uz/>